САВОЛ СИЗДАН, ЖАВОБ БИЗДАН 2-бет

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ 3-4-5-бетлар

ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ 7-бет



ОЛТИН МЕДАЛЬ СОҲИБИ 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 176 (9.979) / 2003 ЙИЛ 5 СЕНТЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **КЕЧА** «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси, «UZ.FOR.ENT. International» халқаро ташкилоти ҳамда «Сарвар» шўъба корхонаси билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги 130-меҳнат мактаби ўқувчилари учун байрам тадбири ўтказилди. Бу тадбир мустақиллик айёмининг 12 йиллиги ҳамда жамғарманинг 10 йиллик юбилейига бағишланди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги 60-мактабда «Соғлом авлод учун» жамғармаси ташаббуси билан «Авлодлар учрашуви» мавзуида хайрия тадбири ўтказилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Марказий банкида бўлиб ўтган семинар-йиғилиш кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш масаласига бағишланди.

● **АБУ** Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети қошида мультимедиа синфи ташкил этилди.

● **КЕЧАДАН** «Бунёдкор» ёшлар телеклубида ўтаётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Камалак» болалар ташкилоти сардорлари фаолияти йўналишларини шакллантиришга мўлжалланган семинар БУГУН ниҳоясига етди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

**Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «TALYANA» хусусий фирмасида импорт ўрнини босувчи эркаклар устки кийимлари тайёрланиб, харидорларга етказиб берилмоқда.**

**СУРАТДА: Наргиза Раҳматова маҳоратли чеварлардан саналиб, жамоа ютуғига муҳим ҳисса қўшмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**



## ПОЙТАХТ ҲОКИМЛИГИДАГИ УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Лондон Сити Лорд-мэри Гэвин Артур Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов билан учрашди. Унда пойтахтимиз билан Лондон Сити ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Г.Артур Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ҳам бўлиб, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар билан учрашди.

## ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ли Чжаосин ўртасида музокара бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон билан Хитойнинг дунёда ва минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, терроризмга қарши кураш ҳамда кўпгина халқаро масалалар юзасидан қарашлари ҳамоҳанг экани таъкидланди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада фаоллаштириш ҳамда Афғонистондаги вазият билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Икки мамлакат ташқи ишлар вазирлари Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши ҳамкорликда курашишга оид битим имзолади.

**(ЎзА)**

• ТРАНСПОРТ

## ҚУЛАЙ ВА АРЗОН

Бундан ўн йил аввал «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси таркибида «Йўловчитранссервис» ягона хўжалик маркази ўз фаолиятини бошлаган эди. Бу ерда дастлаб ойлик йўл чипталарининг тўрт тури учун ҳужжатлар тайёрланар эди. Бугунги кунга келиб, бу жараённинг 10 та тури юзага келди. Йўловчи транспорти ҳаракат воситаларида қатновчилар учун қулай ва арзон бўлган бу ойлик йўл чипталарини тарқатиш усулидан кўпчилик фойдаланмоқда.

Мактаб ўқувчилари, ўқув юрти талабаларига қулайлик туғдириш мақсадида ҳам марказ қатор тадбирларни белгилади. Уларга сотиладиган чипталарни пул ўтказиш йўли билан тарқатиш лозим деб топилди. Бунинг учун марказ мактаблар, ўқув юртлари раҳбарлари билан шартномалар тузади.

Шу билан бирга корхоналар, маҳалла қўмиталари, «Камолот» жамғармаси билан ҳам шу усулда иш олиб борилади. Бу эса кам таъминланган оила фарзандлари, меҳрибонлик уйлари ва интернатлар тарбияланувчиларига чипталарни ўз вақтида етказиб бериш имконини беради.

Бу тадбир муҳим ижтимоий аҳамиятга ҳам эгадир.

**Аҳмад АББОСОВ**

## ЛОЙИҲА ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон таълим тизимидаги ислоҳотлар ҳозирда ўз самарасини бермоқда. Бу ижобий ўзгаришлар дунёда ҳақли равишда «таълим ислоҳотининг ўзбек модели» номи остида танилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга оширишга нуфузли халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ҳам ёрдам бермоқда. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг ҳозир Германия, Испания, Жанубий Корея, Швейцария каби мамлакатлар билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда.

2001 йилда Япония халқаро ҳамкорлик банки — JBIC мамлакатимиз ҳукуматига айнан шу соҳани ривожлантириш учун кредит ажратди. Ҳозир шу кредит «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш учун ишлатилмоқда ва у JBIC ва Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилмоқда.

Лойиҳа ўттиз ойга мўлжалланган, у ўтган йилнинг март ойида бошланган. Ҳозирги вақтда изчил амалга оширилаётган лойиҳа асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган элликта касб-ҳунар коллежини қуриш ва таъмирлаш, ўқув муассасалари учун ускуналар харид қилиш, мутахассислар малакасини хорижда ошириш, техник ёрдам кўрсатиш каби йўналишларни қамраб олади. Лойиҳани амалга оширишда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига кунчиқар мамлакатнинг ЮНИКО Интернейшнл корпорейшн халқаро ташкилоти ходимлари кўмаклашмоқда.

Мазкур лойиҳанинг истиқболли режалари Тошкентда бўлиб ўтган беш кунлик республика семинарида муҳокама қилинди.

**(ЎзА)**

## ХХI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига юртимиз Мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиши давом этмоқда.**

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ли Чжаосинни қабул қилди.**

● **Украинанинг Ўзбекистондаги Фавкулодда ва Мухтор элчиси Анатолий Касьяненко ўз мамлакати Мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказди.**

● **Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Бухорода ўтказилган республика семинарида мудофаа жамияти ташкилотлари қошида оммавий касбларга кадрлар тайёрлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, корхоналар ҳамда аҳолига хизматлар кўрсатиш масалаларини ўрганиб чиқилди.**

● **Андижон вилояти марказидаги 31-мактабда «Ўзбекистон мактаблари учун компьютерлар» лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Лойиҳага кўра, вилоятнинг 8 та мактабини янги авлод компьютерлари билан жиҳозлаш режалаштирилган.**

● **Косонсойдаги урўш ва меҳнат фахрийлари сиҳатгоҳининг иккинчи навбати ишга тушди.**

### Жаҳонда

● **Қорачой-Черкесия республикасини эндиликда янги Президент бошқаради. Генерал Владимир Семёнов ўрнига сайловда 49 фоизга яқин овоз тўплаган республика Миллий банки раиси Мустафо Батдиев президентликка сайланди.**

● **Кеча Россиядаги Ашулук полигонида МДҲ давлатлари ҳаво кучларининг «Жанговар Ҳамдўстлик-2003» ҳарбий машқларининг якунловчи босқичи бошланди.**

● **АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл ўтган ҳафтада Пекин шаҳрида ўтказган олти томонлама музокараларда Шимолий Корея ўз ядро қуроли синовларини ўтказиш мумкинлигини билдирганлигини тасдиқлади.**

● **Хитойда 100 мингдан ортиқ киши тезлик билан сув тошқинлари хавфи туғилганлиги сабабли Вэйнань шаҳри аҳоли пунктлари ва унинг атрофидан хавфсиз жойларга кўчирилди.**

● **Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида бокс бўйича бўлиб ўтган халқаро турнирда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган спортчилар 2 олтин ва 2 бронза медалларини қўлга киритишди.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Болаларни тарбияга олган шахсларнинг жавобгарлиги хусусида маълумот берсангиз.**

**М.Низамова, муҳандис.**

Болаларни тарбияга олган шахслар ўз ҳуқуқларидан ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда, тарбиясидаги болаларга зарар келтирган ҳолда фойдалансалар, шунингдек уларни назоратсиз ҳамда зарур моддий ёрдамсиз қолдирсалар, васийлик ва ҳомийлик органи болаларни тарбияга олган шахсларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш масаласини кўзғатишга ҳақли.

***

**Алимент миқдорини ўзгартириш ёки алимент тўлашдан озод қилишнинг қонун-қоидалари қандай бўлади?**

**Ш.Восиқов, ишчи.**

Алимент миқдори суд тартибида белгиланганидан кейин тарафлардан бирининг моддий ёки оилавий аҳволи ўзгарса, суд улардан ҳар бирининг талабига кўра алиментнинг белгиланган миқдорини ўзгартиришга ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахсни алимент тўлашдан озод қилишга ҳақли. Алимент миқдорини ўзгартиришда ёки уни тўлашдан озод қилишда суд тарафларнинг эътиборга лойиқ бошқа манфаатларини ҳисобга олишга ҳақли.

***

**Мен ишга тушмоқчи бўлаётган ташкилот раҳбарлари мен билан аввало меҳнат шартномаси тузилиши ҳақида айтишди. Уларнинг айтишларича шу корхонада 10-12 йил ишлаган ходим билан ҳам меҳнат шартномаси тузилар эмиш. Шу тўғрими?**

**Ҳ.Субҳонов, ҳайдовчи.**

Меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги Қонунига асосан 1993 йилнинг 3 декабридан бошлаб Республикамиздаги барча корхона, муассасаларда (мулкчилик шаклидан қатъи назар) ишга кирувчилар билан ёзма шаклда бир хил кучга эга бўлган икки нусхада тузилиши ва ҳар бир тарафга (иш берувчи ва ходим) сақлаш учун берилиши зарур.

Меҳнат шартномасининг намунавий ёзма шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги қарори билан тасдиқланган. Меҳнат шартномасида ишга кирувчи ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг келишуви асосида ходимнинг иш жойи, унинг меҳнат вазифаси, яъни мутахассислиги, у ишлайдиган лавозим, ишнинг бошланиш куни, агар муддатли меҳнат шартномаси тузилаётган бўлса, унинг тугаш куни, меҳнат ҳақи миқдори, бериладиган имтиёзлар ва меҳнатнинг бошқа шартлари белгилаб қўйилади.

Меҳнат шартномасини тузиш, уни ўзгартириш ва бекор қилиш меҳнат қонунчилиги ҳамда меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

***

**Мойчечак дамламасининг фойдали хусусиятлари нималардан иборат?**

**С.Ҳошимова, Ф.Камолова, талабалар.**

Мойчечакдан ҳар хил шамоллашларда даво сифатида, шунингдек, кўз ва юз терисини яхшилашда ҳам фойдаланиш мумкин. Кўзлардаги шамоллашни даволаш учун икки-уч дона мойчечак гулини олиб устидан қайноқ сув солиб кўясиз. Илиқ ҳолатга келгандан сўнг кўзлар ювилади. Ёки 2 литр қайноқ сувга бир ҳовуч мойчечакни солиб, аралаштирасиз, сўнгра ундан чиқаётган буғга 10 дақиқа давомида юзингизни тутиб турасиз.

Бу муолажа нафақат кўзлар учун балки юз териси учун ҳам жуда фойдали. Кўзлардаги чарчоқ ва шамоллашни олади, унинг таркибидаги кислоталар юз терисини тозалайди, юмшатади ва натижада юз терисининг фаолияти яхшиланади.

## МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИ

**Тошкентдаги "Оила" тиббий марказида "Соғлом авлод учун" халқаро ҳайрия жамғармаси ташаббуси билан "Мустақиллик тенгдошлари" мавзуида концерт дастури ўтказилди.**

— Бу тантана боқувчисиз қолган ва кам таъминланган оила фарзандлари учун байрам совғамиздир, — деди жамғарманинг "Она ва бола" бўлими бош мутахассиси Зулхумор Абдумаликова "Туркистон-пресс" мухбирига. — Ёш авлодлар бизнинг энг катта ишончимиз, мадад таянчимиздир. Мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири, келажаги шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида мужассам.

Тадбирга Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйлари ва маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларнинг 12 ёшга тўлган фарзандлари таклиф этилди. Урф-одатларимизга кўра мучал тўйлари алоҳида бир эътибор билан ўтказилади. Бу байрам ҳам болажонларнинг маъсум қалбларига катта қувонч бағишлади.

Тадбирга келган болалар "Томоша" болалар театр-студиясининг чиқишларини томоша қилдилар. Жамғарма томонидан тарқатилган байрам совғалари ва музқаймоқлар болалар қувончига-қувонч қўшди.

**"Туркистон-пресс"**

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

### ИККИ ХИЛ ҚИЁФАДА

Автобусга болалик хотин чиқди. Кўринишидан қайғули бу аёлга ҳурмат юзасидан бир нечта одам жой бўшатди. У мулозаматларга эътибор бермай, кўзларидан дув ёш тўкканича бўшатилган ўриндиқлар қолиб ерга тиз чўкди.

— Хайр қилинглар, азизлар, болам касал, эрим ўлим тўшагида ётибди, бир ўзим тўртта гўдагим билан қийналиб қолдим. Баҳоли қудрат садақа қилинглар.

Кейин у чала-чулпа бир суръани ўқиган бўлди, узундан-узоқ дуо қилди. Раҳм-шафқатли одамлар ғимирлаб ҳамёнларини кавлаб қолишди. Аёл қўлини очиб бир чеккадан пул йиғишга тушди.

— Вой ўлмасам, — деди бирдан ёнимда ўтирган ўрта ёшли аёл, — Ахир бу Ҳакимахон-ку. У бизга ён қўшни эди. Эрини боласи билан ташлаб бегона эркак билан ўзга юртга кетиб қолган эди. Бечора эри иснодга чидай олмай, бевақт оламдан ўтди. Ёлғиз боласи ўзгалар қўлида қолди. Фарзанд кўр қилгур, кейин қоронғуда топишган ошиғидан ҳам айрилиб сўққа бош билан Тошкентга қайтганини, ичкиликка берилиб кетганини эшитган эдик. Вой шарманда, аёл номига доғ тушириб, ўзини-ўзи хароб қилиб юрибди-я. Қўлидаги бола ҳам уники эмас.

Бу гаплардан бехабар «тиланчи аёл» одамлардан йиққан мўмай пулни чанғаллаганича кейинги бекатда автобусдан тушиб қолди. Шу сабаб яқинда кўз ўнгимда рўй берган бир воқеани эсладим.

Машина билан Амир Темур кўчаси бўйлаб кетаётган эдим. «Қозоғистон» кинотеатри чорраҳасида қизил чироқ ёниб қолди. Тўхтадим. Олдимдан биз томонга келаётган ўрта ёшлардаги букр тиланчи тўхтаб турган машина ҳайдовчиларидан садақа сўраб, пул йиғишга тушди. Навбат менга келганида унга беш сўм узатдим. Шунда бирдан тиланчи ростмана қаддини ростлади. Қўлидаги эскириб кетган беш сўмликни назар-писанд қилмай жахл билан ерга улоқтирди. Қай кўз билан кўрайки, у ҳеч ногирон эмас экан. Ўзгаларда раҳм-шафқат уйғотиш учун ўзини букр қиёфасига солиб юрар экан. Авжи йигитлик чоғида кўзбўямачилик билан пул йиғиб юрган ўша кишининг қиёфаси ҳамон кўз ўнгимдан нари кетмайди.

Ўшанда кўча-кўйда ўзича дийдиё ўқиб дуога қўл очиб юрган тиланчиларнинг ҳаммаси ҳам бечоралар эмас, балки ишёқмас, текинтомоқ, ичкилик бандалари эканлигини ҳис этдим.

Яқинда эса автобусда учратган «тиланчи аёл»ни Қўйлиқ бозорида бегона эркаклар даврасида сархуш ҳолатда кўриб ҳайрон қолдим. Бу гал у башанг кийиниб олган бир гапириб, ўн кулади.

### ДИЁНАТНИ ПУЛГА СОТМАНГ

Дам олиш куни Эски Жўва бозорига у-бу харид қилгани тушган эдим. Тумонат орасида турган бир қария кўпчиликка мурожаат қилиб қолди.

— Биродарлар, ростини айтинглар, орангизда ким пули билан ҳамёнини йўқотди?

У қўлини баланд кўтариб топилмани кўз-кўз қилди. Шунда раста оралаб бораётган ўрта ёшлардаги киши воқеани бир зум кузатиб турди-да, сўнг ҳамёнга ёпишди.

— У меники. Мен тушириб қолдирибман бу ҳамённи.

Йиғилганлардан баъзилари ҳамёнга тикилиб туриб «эгасига» сўз қотишди.

— Қандай қилиб сизники бўлсин, ахир у аёллар ҳамёни-ку?

— У меники, ишонинглар биродарлар, — деди бояги киши онт ичиб. — Эрталаб бор пулимни қулайроқ бўлсин деб аёлимнинг ҳамёнига солиб олган эдим.

— Ичида қанча пули борлигини биласизми?

— Аниқ билмайман. Иш қилиб йиғиб-териб юрган бор жамғармамни шу ҳамёнга жойлаганман.

Бу гапга биров ишонди, биров ишонмади, лекин барибир топилмани қўлида ушлаб турган киши уни даъвогарга узатди. Ҳамён «эгаси» на раҳмат айтди, на ичидаги пулини санади. Индамай пилдираганича жуфтакни ростлади. Шунда қаердандир пайдо бўлган бир аёл бақириб қақшаб қолди.

— Вой шўрим, ҳамёним йўқ. Тўйга яхши ният билан йиғиб юрган пулларим бор эди ичида. Ҳозиргина қўлимда эди-я. Қайга, қандай қилиб тушириб қолдирганимни билмайман.

Кимдир ҳамёнга эга чиққан кишининг изидан қувди. Кўп ўтмай унинг қўлидан тутиб, қайтариб олиб келди. У довдираб қолган, нима қилишини билмай ҳайронликда бир қўлидаги ҳамёнга, бир хотинга тикиларди.

— Ё қудратингдан, наҳотки янглишган бўлсам, — дея пичирларди у ўзича.

Аёл унинг қўлидаги ҳамённи кўра солиб ўртада бўлиб ўтган синоатдан бехабар ўша кишига миннатдорчилик билдира кетди.

— Вой дунё тургунча туринг. Илоё барака топинг. Мендан қайтмаса болаларингиздан қайтсин. Йўқотган ҳамёним худди мана шу. Раҳмат сизга.

Одамларнинг таъна-маломатларидан қутулиш учун ҳамёнга эга чиққан киши қўлидаги жамғармани жимгина аёлга тутқаздию, дарҳол ўзини тумонат ичига урди.

### ОНА МЕҲРИ

Қандай болажон аёлларимиз бор-да. Ёш гўдакни кўрса бас, айланиб ўргилишади. Иссиқ бағрига босишади. Баъзан уларнинг ўзга болаларга қилаётган меҳрибончиликларини кўриб ўзгани ўзиникидан ажрата олмай қоласан. Яқинда бир иш юзасидан Юнусободдаги милиция пунктларидан бирида бўлганимда, онанинг болага бўлган туғанмас меҳрини яна бир бор дилдан туйдим.

Эллик ёшлар чамасидаги бир аёл оқ чойшабга ихлос билан ўралган чақалоғини авайлаб кўтарганича, ийманиб хонага кириб келди.

— Хизмат?

— Кечирасиз, бир илтимос билан келган эдим.

Аёл қўлидаги гўдакка тикилганича бироз жим қолди. Кўзларида билинар-билинмас ёш ғилтиллади.

— Мана шу бола, — чайналди у. Кейин чақалоғини қўлидан бортиб олиб қўяётгандай бағрига қаттиқ босдида, тез гапира кетди, — мана шу болани ўзимга ўғил қилиб олмоқчиман. Кечаси бизнинг йўлакка кимдир ташлаб кетибди. Йўргак орасидан мана бу хат чиқди.

Ўқидик. Унда рус тилида қуйидаги жумлалар ёзилган эди. «Менга бола керакмас. Ким олса олсин. Ҳеч қандай даъвойим йўқ».

Боласини ташлаб кетган она ҳақида ҳукм чиқариш газетхонлар эътиборига ҳавола. Биз эса инсоний фазилатларни ўзида мужассамлантирган иккинчи она ва унинг бегона гўдакка бўлган меҳр-оқибати ҳақида сўз юритмоқчимиз. Шунда дафъатан хаёлимизга балки бу аёлнинг фарзанди йўқ бўлса керак, деган фикр келди. Афсуски бу ўйимиз сароб бўлиб чиқди. Аёлнинг уч фарзанди — икки ўғил, бир қизи бор экан. Милиция сардори ўрнидан турib, синчковлик билан чақалоққа тикилди.

— Рус шекилли.

— Барибир эмасми, — деди аёл болани маҳкам бағрига босиб, — русми, ўзбекми ким бўлса ҳам, ишқилиб умри узун бўлсин.

Сардор болажон аёлга лозим бўлган барча йўл-йўриқларни кўрсатди. Аёл миннатдорчилик билдириб, хонадан чиқаркан, «барибир болани ҳеч кимга бермайман», деб қўйди қатъий қилиб.

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● Эртасига иш куни бўлишига қарамай, Дилмурод билан Билол анчагача бирга отамлашиб ўтиришди. Чойхонадаги меҳмондорчилик ярим тунгача давом этди. Аммо на Билол ва на Дилмурод қўзғалишни хаёлига ҳам келтирмасди.

Ниҳоят уйларига тарқалишмоқчи бўлганларида Дилмурод ўрнидан тургач, гандираклаб мувозанатини сақлаб қола олмай йиқилди. Дўстининг уйга ўзи ета олмаслигини сезган Билол уни ўзи олиб бориб қўйишга аҳд қилди. Дилмуродни базўр уйига олиб кирди ва ҳовлисидан чиқиб кетди, лекин уйидан узоққа кета олмади. Чунки ётоқхонанинг даричаси очиқ эди.

«Ҳамма пуллар ётоқхонада туради», деган фикрга келган оренбурглик, ҳеч қаерда ишламайдиган, илгари ушланган Билол дўстининг уйини ўмаришдан ҳеч тап тортмади. У уйдан 722000 сўмлик буюмларни ўғирлаб кетди. Лекин тез орада жиноятчи милиция ходимлари ҳозирлаб қўйган «қароргоҳ»га эсон-омон етиб келди.

● Тушлик пайти бўлишига қарамай қаҳвахонада одам жуда сийрак. Ҳеч кимнинг бир-бири билан иши йўқ, ҳамма ўз ташвишлари-ю ўй-хаёллари билан банд эди.

Адҳам қаҳвахонага кириб, бир чеккага жойлашди. У шу топда қандай иш топсаму дарров, бойиб кетсам деган хаёл билан ўтирарди. Андижон вилояти, Марҳамат туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Адҳам эсини таниганидан буён бир лаҳзада бадавлат бўлиб кетишни орзу қиларди. Шунинг учун ҳам у Тошкентга келган, унга бу ерда имконият жуда кўпдек туюларди. Адҳамнинг кўзи тўғрисида қаҳва ичиб ўтирган бир кишига тушди. У киши нима учундир ўрнидан туриб кетди. Сумкаси эса столнинг устида турарди. Адҳам шайтонга ҳай бермай сумкани олишга ошиқди ва тезда унинг ичини очди ҳамда у ердаги пуллардан кўзлари қамашди. Адҳам сумкадан 575000 сўм пулни олди. Иш билан бир лаҳзага чиқиб кетган киши қайтиб келиб кетишга чоғланди, у билан ҳисоб-китоб қилишларини хоҳлаб сумкасини очди, не кўз билан кўрсин-ки, у ерда ҳеч нарса йўқ эди. Қаҳвахона эгасининг кўзига ўзи Адҳам қандайдир бежо бўлиб кўринган эди ва у тезда гумонини айтди. Ҳамма оёққа турди ва жиноятчи далилий ашёлар билан қўлга олинди.

**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази материаллари асосида жамоатчи мухбир Феруза УМРЗОҚОВА тайёрлади.**

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туманидаги 116-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда Баҳромова Шаҳноза Зохировна номига берилган АО № 009357 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**





• КЎРГАЗМАЛАР

## ОНА ЮРТ ИЛҲОМЛАРИ

**Туркистон ҳарбий қўмондонлиги бадиий кўргазмалар залида таниқли рассом Жўра Асроннинг шахсий кўргазмаси давом этмоқда.**

Кўргазмага рассомнинг рангтасвир жанридаги турли хил портрет ва манзаралардан иборат асарлари қўйилган бўлиб, улар орасида Халқ артисти Халима Носирова, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов портретлари, ҳадис илми султони Имом ал-Бухорий тасвирланган композиция ва юртимизнинг бир қанча гўзал гўшалари тасвирланган манзаралар бор.

**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар. Шавкат Қаҳҳоров олган суратлар.**

## Мунажжимлар башорати

**8—14 сентябрь**



**Қўй (21 март-20 апрель)**—Ушбу ҳафта ўйлаган режаларингиз амалга ошиши қийин бўлади. Муаммо ва қийинчиликлар туғилиши мумкин. Бошлиқлар билан муносабатда чегарани сақланг, ўшандагина сизга эътибор кучаяди.

**Бузоқ (21 апрель-20 май)**— Ишларингизни тўғри режалаштирсангиз шартномалар ва ҳатто бизнес бўйича фаолиятингиз кенгайиб, омадингиз чопади. Ҳафта ўрталарида жамоа орасида бироз нохушликка дуч келасиз.

**Эгизаклар (21 май- 21 июнь)**— Бу ҳафта сиз учун бироз мушкул кечиши мумкин. Ишдаги ҳамкорларингиз ўз манфаати йўлида сиздан фойдаланиш ниятида. Ҳужжатларга алоҳида аҳамият беринг ва қатъиятли бўлинг.

**Қисқичбақа (22 июнь- 22 июль)**— Ушбу ҳафта шахсий ҳаётингизда қувончли воқеалар бўлиши кутилмоқда. Севган кишингиз ва фарзандларингиз билан кўпроқ бирга бўлинг. Яхши хабарлар эшитасиз.

**Арслон (23 июль- 23 август)**— Оилангиздаги баъзи бир тушунмовчиликларни босиқлик билан ҳал қилинг, асабийлашманг. Ҳафта охирида ўзингиз учун катта харажатлар қилишингизга тўғри келади. Кутилмаган даромад сизга омад келтиради.

**Паризод (24 август-23 сентябрь)**— Тадбиркорлик бўйича ҳамкорларингиз билан қарама-қаршиликлар давом этади. Муаммоларингизни ҳал қилишда дўстларингиз мададига суянинг. Оилангизда молиявий аҳволингиз яхшилана боради.



**Тарозу (24 сентябрь- 23 октябрь)**— Ушбу ҳафта ўз шахсий ишларингиз билан банд бўласиз. Чоршанба молиявий муаммоларни ҳал этиш учун қулай фурсатдир. Бу муаммоларни бошқалардан сир тутишингиз керак.

**Чаён (24 октябрь- 22 ноябрь)**—Ҳаётнинг турли паст-баландликларини енгиб ўтишда ўз ирода нгиз, шижоатингиз бош сабабчи бўлади. Оилангизда фарзандларингиз билан мулойим муносабатда бўлинг. Ҳамма ишларингиз жойида бўлади.

**Ўқотар (23 ноябрь-21 декабрь)**— Ишда иш ҳақингизни оширишлари, янги ишга таклиф қилишлари мумкин. Таклифни қабул қилишингиз келажакдаги ҳаётингизни бирмунча ўзгартириши кутилмоқда. Соғлиғингизга аҳамият беришни унутманг.

**Тоғ эчкиси (22 декабрь-20 январь)**— Ушбу ҳафта саёҳат ёки хизмат сафарига чиқишингиз мумкин. Дўстларингиз билан мулоқотда келишмовчилик ва баҳслашув руҳиятингизни туширади. Вақт ўтиб ҳаммаси унутилади.

**Қовға (21 январь-19 февраль)**— Тадбиркорлик фаолиятингизда кутилмаган танишлар орттиришингиз, уларга бўлган ишончингиз сизга қимматга тушади. Ёлғон ваъдаларга ишониб катта даромадингиз қўлдан кетиши мумкин.

**Балиқ (20 февраль- 20 март)**— Хизмат жойингизда қўл остингиздагиларга қаттиққўл ва талабчан бўлинг. Акс ҳолда ишларингиз орқага кетиб, панд еб қоласиз.Савиянгизни ошириш ҳақида ўйланг. Юксак мақсад ва вазифаларни кўзлаб иш тутинг. Омад албатта кулиб боқади.

*Табиат ажойиботлари*

**Қулоққа ғалати эшитилсада, қуруқлик бўйлаб ҳаракатланадиган балиқлар ҳам мавжуд. Ҳиндистон, Бирма ва Филиппин оролларидаги дарё соҳилларида эмаклаб юрадиган анабас деган балиқ яшайди. Ташқи кўринишидан у олабуға балиғига ўхшайди. Балиқнинг бўйи 20 сантиметргача етади. Қурғоқчилик мавсуми бошланиб кичик сув ҳавзалари қуригач улар уйқуга кетади. Бинобарин, ёғингарчилик мавсуми қайта бошлангунча балиқлар балчиққа кўшилиб ётади.**

## ЎПКАЛИ БАЛИҚЛАР

Эрта тонгда ёки тунда анабас жабрасидаги майда тишчалари ва ўткир тиғли сузғич қанотлари ёрдамида ерга қадалиб қуруқлик бўйлаб юзлаб метрча масофани босиб ўтади.

Ҳаттоки у эгилиб қолган дарахт устида ҳам ўрмалайди. Малоис тилида анабас сўзи «дарахтда ўрмаловчи» деган маънони билдиради. Нам ерларда ҳам балиқ бир неча кун яшаши мумкин, шунингдек анабасни сувсиз сопол идишларда ёки халталарда ҳам бир неча кун олиб юриш мумкин. Нафас олиш учун анабас жабраси ёнида жойлашган лабиринт мосламадан фойдаланади. Эгри-бугри лабиринтдан ўтаётган ҳаво таркибидаги кислород балиқни тўйинтиради.

Ҳинд ва Тинч океанларининг тропик сувларида Африка ва Осиё қирғоқларида лойбалчиқда сакраб юрувчи яна бир балиқ яшайди, у ҳаётининг асосий қисмини сувда эмас, қуруқликда ўтказади. Оёққа ўхшаш ўта йирик қанотлари ва бўртиб чиққан қизил кўзлари уни ўта жозибали қилиб кўрсатади. Балиқнинг узунлиги одатда 20-25 сантиметр бўлиб, яшаш жойи эса Мангрова дарахтзоридир. Бу ерда улар энгашиб қолган дарахтлар устида соатлаб юради, ҳатто бир шохдан иккинчисига сакраб ўтади. Балиқни овлаш учун дарахт остига оқ мато тортиб у силкитилади.

Дунай соҳилларида қурғоқчилик бошланиши билан уйқуга кетадиган вьюн деган балиқча яшайди. Қизиғи шундаки, сувда кислород миқдори камайиб қолса балиқнинг ичаги деворларида қон томирлардан иборат тўр ҳосил бўлади, демак нафас олиш ичак орқали амалга ошади. Ушбу балиқнинг яна бир қизиқ хусусияти шундаки, у атмосфера босимига ўта сезгир бўлиб ҳатто сакраб сувдан чиқиб кетади.

**Яҳё ДАВЛАТОВ, биология фанлари доктори**

**Бельгиянинг Антверпен шаҳридаги Европа Иттифоқи комиссиясининг ахборот марказида Ўзбекистон фото усталарининг асарларидан иборат «Ўзбек маҳалласи: одамлар, анъаналар ва урф-одатлар» мавзуида кўргазма очилди.**

## ЎЗБЕК МАҲАЛЛАСИ ЕВРОПАДА

Ўзбекистон Бадиий академияси Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб ташкил этган мазкур тадбир Ташқи ишлар вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Тошкент фотосуратлар уйи билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Обод маҳалла йили» дастурида белгиланган тадбирлар доирасида иш бошлаган ушбу кўргазма юртимизда фуқаролик бошқаруви органининг миллий модели бўлган маҳаллалар ҳаёти, уларда истиқомат қиладиган юртдошларимиз тақдири, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти хусусида хорижликларга атрофлича маълумот беради.

Юртимизда маҳаллаларнинг иқтисодий-ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, асрлар мобайнида шаклланган миллий қадриятлар, урф-одатларни авайлаб-асрашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Рустам Шарипов, Рустам Шагаев, Турсун Али, Константин Минайченко, Абдуғани Жумаев, Шаҳноза Усмон, Виктор Вяткин, Владимир Жирнов каби ўзбекистонлик моҳир фото усталарининг кўргазмадан ўрин олган суратларида бу жиҳатлар ёрқин аксини топган.

**(ЎзА).**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ**
**Тошканбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки**
2003 йилнинг бутун сентябрь ойи давомида
КУЗГИ БАЙРАМ КАЙФИЯТИ ДАСТУРЂА:
МОНТЕ КАРЛО совриндорлари, олтин нишон соҳиблари
ЧАВАНДОЗ ЙИГИТЛАР
ОРИГИНАЛ ЖАНРЛАР АРТИСТЛАРИ
ЎРГАТИЛГАН КАБУТАРЛАР
ҲАВО ГИМНАСТЛАРИ
«Ҳиндистон» номли шағамлардаги
ФАНТАЗИЯЛАР
ТУЯЛАРДАГИ АКРОБАТЛАР
ҚУВНОҚ МАСХАРАБОЗЛАР ЖУФТЛИГИ
**Томошалар:**
Жума кунлари 18.00 да шанба, якшанбада 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.
Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда туланиши мумкин.
Касса 9.00 дан ишлайди.
**Маълумотлар учун телефонлар:**
**144-29-04, 144-35-91, 144-32-23.**

Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти жамоаси етакчи илмий ходим

**Турғун ФАЙЗИЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади

## *Турфа олам*

### 104 ЙИЛ БИРГА ЯШАШДИ

Озарбайжоннинг Яншоқ қишлоғида Илёс ва Ҳатин исмли эр-хотинлар 104 йил бирга яшаб рекорд қўйишган. Жафаровлар оиласи бирга яшашда энг кўп ва қариликда ҳам узоқ вақт тотув турмуш кечирганлардан ҳисобланишади. Ҳатин Жафарова ўн икки фарзанднинг онаси бўлиб 1990 йили 120 га етганда вафот этди. Эндиликда Жафаровлар оиласи аъзолари сони икки юздан ошиб кетди.

Жафаровлар оиласи кумуш, олтин, бриллиант, темир, тош ва шоҳ тўйларини ўтказишган. Қизиғи шундаки, бундан кейинги тўйнинг номини ҳали одамлар ўйлаб кўрмаган эканларки, бундай узоқ вақт биргаликда яшаб ўтган эр-хотинлар тарихда биринчи бор учраяпти.

### УЧ ЁШЛИ СУРАТЧИ

Донецклик Настя Федоренко бир ярим ёшдаёқ суратга ола бошлаган эди. Ота касбига қизиқиши унинг ёшлигидан бошланди. У уч ёшида шаҳар кўчаларида юриб чиройли манзаралар, ҳамшаҳарлари, жониворлар, боғлар ва табиат кўринишларини суратга тушириб халқаро кўргазмада медаль олишга улгурди. Настя (у 1987 йилнинг 1 апрелида туғилган)нинг дастлабки шахсий фотокўргазмаси у уч ярим ёшга етар-етмас пайтида ўтказилган.

### УЗОҚ КУТИЛГАН ТЎЙ

Литванинг Уклерге шаҳрида узоқ вақт давомида кутилган тўй маросими бўлиб ўтди. Қизиғи шундаки, 83 ёшли куёв билан етмиш тўққиз ёшли келин умрларида биринчи бор турмуш қуришаётган эди. Янги турмуш кўрган келин-куёв ҳаммаси бўлиб бир йилгина бахтли ҳаёт кечиришди ва кейин улар бирин-кетин вафот этишди.

### МИРШАБ — МУШУКВОЙ

АҚШнинг Гранд-Прэйэри шаҳрининг миршаблар идорасида оғирлиги тўққиз килограмм бўлган, «тартиб ўрнатувчи» мушуквой хизмат қилади. Миршаб-мушуквойнинг исми Фанг бўлиб, давлат архивидаги қоғозларни сичқонлардан муҳофаза қилади. Муҳим ҳужжат ва маълумотларни кемириб қўйган жониворлар штатдаги «кемирувчилар устидаги назоратчи»дан чўчиб қолдилар.




### БИЛИМЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Юртимизда кечаётган байрамона шукуҳ билим даргоҳларида нишонланаётган янги ўқув йилининг бошланиши тантаналари билан уйғунлашиб кетди.

Куни кеча Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Акмал Икромов академик лицейида ўтган тантанали кеча — «Билимлар куни»га бағишланди. Шу йил лицейга ўқишга қабул қилинган ўқувчи ёшлар талабалар қасамёдини ўқишиб, қалбларидаги Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, садоқатларини, илм эгаллашга бўлган кучғайрат ва интилишларини ифода этишди. Тадбирда иштирок этган Акмал Икромов тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Азиза Ғиёсова ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси раиси ўринбосари Озода Каримовалар лицей ўқитувчи ва ўқувчиларини янги ўқув йили билан қутладилар.

**Соҳиба УМАРОВА**

**• ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР**

# НУРЛИ ИЗЛАР

**Мазмунсиз йилдан маъноли кун яхши. Вақтни ғанимат билганнинг умри мазмунли ўтади. Умрнинг машаққати унинг роҳатини таъминлайди. Умрнинг мазмунини билган киши ҳаётнинг қадрига етади, албатта. Оқар дарё мисоли тез ўтувчи ҳаётда кўплаб буюк инсонлар яхши ишлари билан ном қолдирганлар.**

Айниқса ўзбек шеърияти гулшанида минг йиллик чинорлардан тортиб эндигина бўй чўзган ниҳолларни ҳам учратиш мумкин. Мана шу гулшанда томир отган чинорлар қаторида истеъдодли шоир ва драматург, оташин публицист Эгам Раҳимнинг ҳам алоҳида ўз ўрни бор. Шоир қисқа, лекин мазмундор, сермашаққат ва шарафли ҳаёт йўлини босиб ўтди. У ўзининг серқирра ижодий фаолияти билан ўзбек маданияти, матбуоти, адабиёти ва санъати ривожига муносиб ҳисса қўшди. Эгам Раҳим она юртига, дўст-ёрларига, оиласига бўлган теран муҳаббати, меҳри, самимиятини ўз шеърларида ёрқин ифода этди. У ўз Ватани билан чин дилдан фахрланади. Жаннатмакон бу ўлкани дунёдаги энг гўзал, энг азиз ва муқаддас замин сифатида тараннум этади. Эгам Раҳимнинг илк шеърларидаёқ давр воқеаларига ҳозиржавоблик, ҳаётдаги содир бўлаётган ҳар қандай янгиликка ўз муносабатини билдириш, замон билан ҳамнафас бўлишга интилиш яққол кўзга ташланади. У ўз мухлисларига қатор шеърий тўпламлари, «Янги қадам», «Салом сизга Хоразмдан», «Нур дарёси», «Қалбим қиссаси», «Озарбайжон ҳақида баллада» ва бошқа ўнлаб очеркларини ҳадя этди. Уларни ўқиганда ижодкорнинг доимо ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб жўшқин ижод қилганига амин бўласиз. Эгам Раҳим ижоди билан танишар экансиз нозик дидли, юксак мулоҳазали, маданиятли, юраги кенг, фикри тиниқ, фидойи инсон кўз олдингизга келади. Ўз халқига садоқат билан хизмат қилган инсоннинг ижод йўли нурли ва бахтли йўлдир. Шоир ижодининг асосий мавзуларидан бирини бахт мавзуси ташкил этади. Ижодкор асарларининг лирик қаҳрамони меҳнат ва курашларда қўлга киритилган бахтни ҳимоя қилишга тайёр инсон. У нима ҳақида ўй, ширин хаёл сурмасин, унга бахт қуёши порлаб нур сочиб туради. Шоир янги ижодий ютуқларни қўлга кирита бориб бугунги кун ва келажак тўғрисида зўр ҳаяжон билан самимий мисралар яратади.

**Озодлик жангида тобланди ўзбек,**
**Мард ўғлонлар бўлди жангда унга бош.**
**Буюк боболарим мероси билан**
**Бахтлар осмонида порлади куёш.**

**Бугун пештоқларда ҳилпирар байроқ,**
**Бундай тантанадан дунё ҳам ҳайрон.**
**Ва жаҳон Тошкентга йўллади салом,**
**Ўзбекнинг севинчи бутун бир жаҳон.**

Эгам Раҳимнинг ватанпарварлик оҳанглари билан суғорилган лирикасида Ватанга муҳаббати, бунёдкор халқимизнинг меҳнат зафарлари кўтаринки руҳ билан тараннум этилган. Шоирнинг «Ўзбекистон», «Жон Ватан», «Шарқнинг маёғи» каби бир қатор шеърлари шулар жумласидандир. Унинг бир қанча шеърлари қўшиқ бўлганига гувоҳмиз. Севги, муҳаббат ҳақида барча шоир ва адиблар ўз асарларида ёниб куйлашган. Эгам Раҳим ҳам «Висолинг» шеърида бу нафис маънавий неъмат ҳақида жўшқинлик билан мисралар битган.

**Ёр висолинг дафтарин ҳар сатри бир достон экан,**
**Ўқидим, дил бахра олди ўзга бир бўстон экан.**
**Навбаҳор айёмида тарк этмагай булбул гулин,**
**Неки булбул, неки гул, бир оламу ошён экан...**
**Ҳар боқиш, ҳар лаҳза луқманг менга илҳом келтирур,**
**Суҳбатнинг, дил хаста бўлса, бир шифо дармон экан...**

Дарҳақиқат, Эгам Раҳимнинг шеърий тўпламларида турли давр садолари янграб туради. «Калтаминор ҳикояси», «Чингиз босқини», «Паҳлавон Маҳмуд» достонларида қадим Хоразм тарихидан лавҳалар қаламга олинган бўлса, «Дўстимнинг тақдири» балладасида 30-йиллар қатағон қурбонлари бўлган ёш шоир ҳаёти акс эттирилган.

Эгам Раҳим то умрининг охирги дақиқасига қадар ижод қилишдан тўхтамади. Унинг оташин мисралари халқимиз қалбидан бир умр жой олиб, авлодларга бориб етади. У адабиётимиз хазинасига ўзининг муносиб меросини қолдирди. Эгам Раҳимнинг номи ва ижоди қалбларимизда абадий яшайди.

**Ҳалолдир беармон яшалган умр,**
**Баҳордек доимо яшарган умр.**
**Юракка йўл очган куйлардек, создек,**
**Холис ният каби янгроқ овоздек.**

**Дилором ИКРОМОВА**

## ЎЗБЕКИСТОН — ЎЗБЕГИМ

**Сергели туманидаги Жаҳон Обидова номли марказлашган кутубхонада «Оқибат» маҳалласи ҳамкорлигида «Олам узра донғи кетган Ўзбекистон ўзбегим» деб номланган кеча бўлиб ўтди.**

Унда маҳалла фаоллари, кутубхона хизматчилари ҳамда мактаб ўқувчилари иштирок этишди. 104-мактаб ўқувчилари ва кутубхонанинг ёш аъзолари ўзаро Ўзбекистон тарихи, адабиёти, географияси фанларидан билим ва маҳоратларини синашди. Беллашувда ғолиб чиққан ёшларга кутубхоначилар томонидан совғалар топширилди.

Шунингдек, тадбирда юртимиз тарихи, адабиёти ва географияси ҳақидаги китоблар мажмуаси кўргазмаси ташкил этилди.

Кечада болажонлар рақс, шеър ва саҳна кўринишларини ижро этишди.

**Юлдуз УСМОН**

**Ўзбекистонда геодезик ва картографик маҳсулотларни юқори сифатли қилиб чоп этишда четдан олиб келинган дастгоҳлар қўл келмоқда. Германия технологияларидан ҳам унумли фойдаланилмоқда.**

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

Буни Тошкент картография фабрикасига ўрнатилган «Мультиэффект» машинаси мисолида яққол кўриш мумкин. Ушбу замонавий технологиядан харита ва атласларни босмага тайёрлаш ҳамда нашр этишда унумли фойдаланилмоқда.

Корхонада бутловчи цехнинг очилиши ҳам шу техника туфайли юз берди. Эндиликда йилига 20 миллион нусхада контур хариталар альбомларини босиб чиқариш имкони туғилди.

«Ўзбекистон ер ресурслари атласи» ҳам корхонанинг энг яхши ва сифатли маҳсулоти деб баҳоланди.

**Акбар АЛИЕВ**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Донишмандлардан бирининг ҳузурига бир одам келиб дўст топиш ноёблигидан зорланди. Донишманд унга айтди:

— Сенинг ранж, аламингни баробар тортадиган, шодлигингга шодланадиган дўстни изласанг, бундай дўст ноёбдир. Сенга ўзини дўст қилиб кўрсатган тасодифий дўстлар эса жуда кўп.

Яна у киши:

— Агар ҳақиқий дўстни топиш менга муяссар бўлса, у билан қандай муомала қилишим керак? — деб сўради.

Донишманд унга шундай маслаҳат берди:

— Ҳақиқий дўст топсанг, у билан шундай муомалада бўл: дўстликда содиқ бўл, хиёнат қилма, кўнглингдаги дўстлик муҳаббатини кўлинг ва тилинг билан кўрсат, дўстингнинг сирини ошкор қилишдан сақлан. Унинг ёнида бошқаларни ғийбат қилма. Дўстинг муҳтожликда қолса дарҳол унга ёрдам бер. Дўстга ёлғон сўзлама.

Яна у киши донишманддан:

— Тасодифий дўстлар билан қандай муомала қилай? — деб сўради.

Донишманд шундай маслаҳат берди:

— Тасодифий, юзаки дўстларга ҳам кўлингдан келганча, яхшилик қил. Лекин сиру асроринган хабардор қилма.

Уларни юзаки муомала билан хурсанд қилиб, кўнгилларини ўз тарафингга мойил қил, мол-ашёларингни уларга айтма, ўз аҳволингни яширин тут.

Байт:

**Сирингни сақлагил, ҳар кимга зинҳор қилмагил равшан,**
**Кўзинг ёғин едирсанг, дўст, аммо бермасанг — душман.**
**Ҳамроҳи қобил билан юр, бир қарич йўл бўлса ҳам,**
**Юрмагил ножинс биланким, йўлда йўлдош ўзгадир.**

● Ҳақиқий дўстлик ҳасадни билмайди.

● Дўстнинг биринчи шарти — ишонч.

● Уруш — ботирни, жахл — донони, йўқчилик — дўстликни синайди.

● Дўстлик ҳар қандай азоб-укубатни ҳам писанд қилмайди.

● Ақлли одам ҳамма нарсадан жудо бўлса ҳам дўстидан воз кечмайди.

Байт:

**Дўст дема, гар нозу неъмат устида,**
**Урса лоф: «Дўстимсан, азиз, меҳрибон».**
**Дўст удир — дўстига чўзади кўлин —**
**Дўсти бўлганида ночор, нотавон.**

Газетанинг навбатдаги сони 9 сентябрда чиқади

**Жанубий Кореянинг Дэйгу шаҳрида XXII Жаҳон талабалари универсиадаси мусобақалари якунланди. Ушбу йирик анжуманда дунёнинг 174 мамлакатидан юзлаб спортчи иштирок этди.**



# АБДУЛЛАНИНГ НАВБАТДАГИ ОЛТИН МЕДАЛИ

Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот хизматидан хабар беришларича, Универсиадада юртимиз спорт шарафини олти дзюдочи ва бир теннисчи ҳимоя қилди.

Универсиада дастуридан жой олган спорт турлари орасида дзюдо алоҳида мавқега эга. Шунинг учун ҳам дзюдо баҳсларида 71 мамлакат спортчилари қатнашди. Вакилларимиз орасидан эса Абдулла Тангриев ўзини кўрсатди. Дастлаб, у оғирлиги юз килограммдан зиёд полвонлар баҳсида барча рақибларини енгиб, олтин медални қўлга киритди. Дунёнинг энг кучли дзюдочиларидан бири саналган А.Тангриев мутлақ вазнда ҳам гиламга чиқди. Кескин ва муросасиз баҳслар якунига кўра А.Тангриев иккинчи олтин медалга сазовор бўлди. Икки йил олдин Хитойнинг Пекин шаҳрида ўтган Универсиадада ҳам А.Тангриев кумуш ва бронза медални қўлга киритганди.

Дэйгудаги баҳсларда дзюдочиларимиздан Э.Қодиров ва Р.Саидов бешинчи ўрин билан кифояланди. Михаил Скоколовга еттинчи ўрин насиб этди.

Жаҳон талабалар универсиадасида теннисчи Оқгул Омонмуродова ҳам анча юқори натижага эришди. Жорий йилда Ҳиндистонда ўтказилган халқаро турнирда ғолиб чиққан умидли теннисчимиз Дэйгуда бронза медалга сазовор бўлди.

Тошкент аэропортида спортчиларимиз тантанали кутиб олинди.

— Жанубий Кореяда қўлга киритган медалларимни юртимиз Мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлайман, — деди Абдулла Тангриев ЎзА мухбирига. — Олдинда бундан-да масъулиятли мусобақалар турибди. Жумладан, 11-20 сентябрь кунлари Японияда дзюдо бўйича жаҳон чемпионати ўтказилади. Мазкур мусобақада ва келаси йили Грециянинг Афина шаҳрида бўладиган Олимпиада ўйинларида ҳам олтин медаль учун курашаман.

**СУРАТДА: универсиада совриндорлари Оқгул Омонмуродова ва Абдулла Тангриев.**
**(ЎзА)**

## Табассум

Шифокор қабулга келган беморга деди:

— Сиз туфайли тиббиёт фани жуда бойийди энди.

— Қўйсангизчи, дўхтиржон! Менга сизни унчалик кўп олмайди дейишган эдику...

* * *

Омади чопган бир банк эгасидан муваффақияти боиси нимада эканини сўрабдилар. У бўлса:

— Бунинг учун ўн йил муттаҳам бўлишимга тўғри келди, дебди.

— Кейинчи?

— Кейин эса яна муттаҳам бўлиб қола билиш керак.

* * *

Катта мажлисда акциядорлик жамиятининг раҳбари қўл остидагиларни танқид қиларди.

— Директорларнинг ярми ҳеч нарсанинг устидан чиқа олмайди.

— Қолган ярми-чи? — залдан овоз эшитилди.

— Қолган ярми барча нарсага қодир.

* * *

Вокзалда куёв қайнонасини сафарга кузатарди. Муттасил соатдан кўзини узмаётган қайнона сўради:

— Поездим жўнашига қанча вақт қолди?

— Бир соату ўн дақиқаю йигирма уч сония! — деди куёв хурсанд бўлиб.

* * *

Итини махсус шифокор кўригидан ўтказиб келган эр хотинига:

— Бечора итимиз йўл-йўлакай шундай инграб келди, гўё менга бир нарса демоқчидек эди-я.

— Вой ўлмасам, унинг гапини бўлди хотини, итга тикилар экан. — Ит сизга аввалambор у бизники эмаслигини айтмоқчи бўлгандир-да.

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

# БОШҚОТИРМА




Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Танаси қаттиқ, сербарг дарахт. 3. Модданинг шу модда асосий кимёвий хусусиятларига эга бўлган энг кичик зарраси. 5. Непал пойтахти. 7. Майда ҳашарот. 10. Бирор хулосага эга бўлиш учун кўпчилик фикрини олиш. 11. Хитойнинг феодализм даврида давлат арбобларига европаликлар томонидан берилган ном. 14. Шаффоф оч-яшил қимматбаҳо тош, заргарлик ашёси. 16. Гўзаллик, нафосат илми. 18. Таом пишириш тури. 20. Энг улкан илон.

**Энига:** 2. Вақт ўлчови. 4. Турли баландликдаги мусиқий товушлар сираси. 6. Бинонинг эшик юқорисидаги ярим доира қисми. 15. Қадимда шаҳар ҳокими унвони. 17. Усти ёпиқ бозор. 19. Кимёвий модда, табобат ашёси.

**Бўйига:** 8. Қатъий қарор. 9. Дурадгорлик маҳсули. 12. Йил фасли. 13. Катта ўғил.

**Муаммонома**

Очқич сўзлар: 1. Электр қуввати бирлиги — 17, 1, 2, 2.

2. Нарх, қиймат — 14, 1, 10, 12.

3. Марказий Осиёдаги денгиз — 12, 11, 12, 16.

4. Республикамиздаги радио тўлқинларидан бири — 4, 6, 8, 1, 3.

5. Совға, тортиқ — 5, 7, 13, 12, 3.

6. Қирғизистондаги вилоят — 15, 9.

Энди очқич жавоблари асосида шакл марказидаги ҳарфларда яширинган ўзбек халқ ҳикматини билиб олинг.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**ГАЗЕТАНИНГ ШУ ЙИЛ 29 АВГУСТ СОНИДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ**

**Ёйлар бўйича:** 1-2. Минералогия. 2-3. Янтоқ. 3-1. Қасам. 4-5. Қиличбозлик. 5-6. Котиб. 6-4. Босиқ. 7-8. Жиблажибон. 8-9. Нодир. 9-7. Ривож. 10-11. Бортмеханик. 11-12. Кокос. 12-10. Симоб. 13-14. Микробиолог. 14-15. Гулоб. 15-13. Бодом. 16-17. Конденсация. 17-18. «Ягуар». 18-16. Ролик.

**МУАММОНОМА**

**Очқич сўзлар:** 1. Бўлис. 2. Мақом. 3. Ганди. 4. Изоҳ.

**Ибратли сўз:** Инсон қалби ҳамда сўзи билан гўзал.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3871 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-807. Топширилди 13.45 1 3 4 5 6